

11-01/67-son

11 iyun 2025 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"



Вилоят ҳокими

Н.Т.Турсунов

**Вилоят ҳокимлигида ўтказилган аппарат йиғилиши
БАЁНИ**

2025 йил 9 июнь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

Н.Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар:

Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (*рўйхат бўйича*)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш (*edo.ijro.uz.да назоратдаги хужжатлар, олдинги аппарат йиғилишларида, хусусан кичик бизнесни ривожлантириш (фаолиятсизларни тиклаш, 1 нафар ишчи, оборотсизлар, қўчиб кетганларни қайтариш, иш ҳақи, ерларни аукционга чиқариш) ҳамда КСЗ бўйича берилган топшириқлар ижроси*);

2. Камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, 8-, 9-, 10- ва 11-синф ўқувчиларини ёзги таътилда бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва касбга йўналтириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида;

3. Давлат Раҳбарининг 2025 йил 7 ва 15 май кунлари тиббиёт ва таълим бўйича ўтказилган йиғилишларида берилган топшириқлар, хусусан “долзарб 90 кунлик” тадбирларини самарали ташкил қилиш бўйича масъуллар ва ҳокимликлар ҳисоботи;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарори ҳамда 2024 йил 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари Давлат Раҳбарининг Навоий вилоятига ташрифи бўйича имзоланган 47-сонли баённомада берилган топшириқлар ижроси тўғрисида;

5. Ёшлар билан ишлаш, бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда “30 июнь ёшлар кун”га тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида;

6. Бошқа масалалар (Муаммоли кредитлар, Қишлоқ хўжалиги, ўрдакчилик).

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, С.Ҳикматов, Ж.Ходжаев, М.Мамадиярова, Ш.Ҳамидов, А.Турдиев, Ғ.Бобоқулов, Л.Хайруллаев, А.Муллажонов, С.Назаров, А.Ҳалимов, Д.Эргашев, В.Адилов, Б.Бобомуродов, А.Файзиев, У.Елмуратов, У.Адилов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, ижро интизомига риоя қилиш, вилоят ҳокимлигининг олдинги ўтказилган аппарат йиғилишларида берилган топшириқлар ижроси муҳокама қилиниб, масъулларга тегишли кўрсатма ва вазифалар белгилаб берилиб, ижроси назоратга олинди.

Хусусан, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Сулаймонов, Ғаффоров)га ва вилоят ҳокимлиги котибияти мудир (Ҳамидов)га “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган Давлат Раҳбарининг ҳужжатларидаги бажарилиши белгиланган жами 7 та (шундан, иқтисодиёт ва қурилиш котибиятида 3 тадан, инвестиция котибиятида 1 та) муддати ўтган топшириқлар ижросини таъминлаб, назоратдан чиқариш чораларини кўриш топшириғи берилди.

“Ягона буюртмачи хизмати” ДУК (Турдиев)га беш кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги “2025–2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-454-сон қарорининг 5.2- ва 5.3-бандлари ижросини таъминлаб, топшириқни электрон тизимидан назоратдан чиқармаса, А.Турдиевга нисбатан навбатдаги интизомий жазо чораси қўлланилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари, тегишли вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирокида ҳафтанинг чоршанба ва жума кунлари “ijro.gov.uz” электрон тизимидаги Давлат Раҳбари ва Ҳукумат топшириқлари ижросини танқидий-таҳлилий муҳокама қилиб, топшириқларни барвақт ва сифатли тарзда бажарилиши бўйича зарурий чора-тадбирларни кўриб бориш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов)га уч кун муддатда Навоий шаҳар ҳокими (Эргашев) ва тегишли масъуллар томонидан шаҳарда хорижий инвестицияларни жалб қилиш, фаолиятсиз кичик бизнес субъектларини тиклаш, кўчиб кетганларини қайтариш, ҳисоботларда 1 нафар ишчи кўрсатган субъектлар билан ишлаш,

меҳнат миграциясидан қайтганлар бандлигини таъминлаш масалаларида олиб борилаётган ишлари юзасидан хизмат текшируви ўтказиб, натижаси бўйича камчиликларга йўл қўйганларга нисбатан чора кўриш бўйича таклиф киритиши алоҳида қайд этилди.

Вилоят Солиқ бошқармаси (Назаров)га Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси (Тоштемиров), Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (Пардаев) билан биргаликда солиқдан қарздорлиги юқори ва кредитдан қарзи бўлган, ҳисоботларда 1 нафар ишчи кўрсатган, “ҳажмсиз” ҳисобот топширган корхоналарни соғломлаштириш, фаолиятини тиклаш ва тўғри йўлга қўйиш, камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳудудларга бориб, шаҳар, туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда амалий натижаси кўрсатиш бўйича вазифалар белгиланди.

Шу билан бирга, вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ғаффоров)га “Кичик ва ёшлар саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси” (Матлабов) билан биргаликда кичик ва ёшлар саноат зоналаридаги савдога чиқарилган ва савдога чиқарилиши белгиланган бўш ер майдонлари бўйича ҳисобот жадвалларини (сводка) шакллантириб, мониторингини юритиш ҳамда кунлик маълумотларни вилоят ҳокимига киритиб бориши белгиланди.

Йиғилиш кун тартибида камбағалликни қисқартириш ва бандлик масалалари муҳокама қилиниб, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Сулаймонов, Ғаффоров, Ҳикматов, Ходжаев, Мирзаев, Мамадиярова)га бириктирилган масъуллар ва туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда ҳар ҳафтанинг чоршанба ва жума кунлари камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, миграциядан қайтганлар билан ишлаш, ўқувчиларни касбга йўналтириш масалаларида ўзлари масъул бўлган ҳудудларда муҳокамалар ўтказиб, белгиланган топшириқлар ижросини самарали ташкил қилиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўриб бориши бўйича қатъий кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, йиғилиш кун тартибида Давлат Раҳбари томонидан тиббиёт ва таълим соҳасида эълон қилинган “долзарб 90 кунлик” тадбирларининг бориши ва белгиланган вазифалар ижроси кўриб чиқилиб, тегишли масъулларга кўрсатма ва вазифалар берилди.

Хусусан, вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ходжаев)га, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Сафоев), вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (Ҳайитова), туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда тиббиёт ва таълим соҳасида “долзарб 90 кунлик” тадбирлар доирасида амалга оширилиши белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ҳудуд бўйича тақдимот материалларини тайёрлаш ҳамда вилоят ҳокими ҳузурида туман (шаҳар) ҳокимларининг шахсан ҳисоботлари эшитилиши белгилаб қўйилди.

Нурота (Файзиев), Томди (Умаров) ва Конимех (Рўзиев) туманлари ҳокимларига бир кун муддатда таълимда “Фавқулодда 90 кун” тадбирларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ҳамда вилоят ҳокимлиги (Ходжаев)га киритиш бўйича вазифалар белгиланди.

Вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (Ҳайитова)га туман (шаҳар) ҳокимлари билан ҳамкорликда 2025/2026 ўқув йили бошлангунга қадар ҳар бир ҳудудда 1 тадан жами 11 та мактабларда “Жасорат мактаблари”ни ҳамда 45 та мактабларда инклюзив синфлар очилишини ташкиллаштириши қайд этилди.

Бундан ташқари, туман (шаҳар) ҳокимларига мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда тиббиёт муассасаларига шахсан ўзлари бориб мавжуд муаммоларини ўрганиб чиқиш ва ҳал этиш чораларини кўриши бўйича қатъий кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда, Ўзбекистон Республикаси Преидентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-430-сон қарори ҳамда Давлат Раҳбарининг 2024 йил 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари Навоий вилоятига ташрифи якунлари бўйича тасдиқланган 47-сонли йиғилиш баённомасидаги топшириқлар ижроси муҳокама қилинди ҳамда топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Бундан ташқари, йиғилишда “Ёшлар ойлиги” дастури доирасида амалга оширилиши белгиланган вазифалар ўқиб эшиттирилиб, вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ходжаев)га Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (Бахромов) ҳамда тегишли корхона ва ташкилот раҳбарлари билан ҳамкорликда ишларни ташкиллаштириш топшириғи берилди.

Йиғилишда, муаммоли кредитларни ундириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги муҳокама қилинди. Муаммоли кредитларни ундирилиши бўйича масъулларнинг ҳисоботлари тингланиб, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га муаммоли кредитларни ундириш бўйича кунлик сўров ҳамда муҳокама қилиб, қарздорликларни камайтириш бўйича зарурий чора-тадбирларни кўриб бориш бўйича топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, йиғилишда қишлоқ хўжалиги масалалари ҳам муҳокама қилиниб, Кармана туманида 2,5 фоиз, Навбаҳор туманида 3,4 фоиз, Конимех туманида 10,4 фоиз, Қизилтепа туманида 23,6 фоиз ғалла дон қабул қилиш масканларига қабул қилинганлиги, Хатирчи туманида дон қабул қилиш масканларига умуман ғалла қабул қилинмаганлиги танқид қилинди.

Туман ҳокимлари ва масъулларга ғалла ўрим мавсумида, ғалла ўрим комбайнларини бетўхтов ишлашини таъминлаш чораларини кўриш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш бўйича соҳа мутасаддилари томонидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли масъулларга белгиланган вазифаларни сифати ва муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ғаффоров**), вилоят ҳокимлиги котибияти мудир (**Ҳамидов**) **бир ҳафта муддатда** “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган Давлат Раҳбарининг ҳужжатларидаги бажарилиши белгиланган жами **7 та** (*шундан, иқтисодиёт ва қурилиш котибиятида 3 тадан, инвестиция котибиятида 1 та*) муддати ўтган топшириқлар ижросини таъминлаб, назоратдан чиқариш чораларини кўрсин.

2. “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК (**Турдиев**) **беш кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги “2025–2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-454-сон қарорининг 5.2- ва 5.3-бандлари ижросини таъминлаб, топшириқни “ijro.gov.uz” электрон тизимидан назоратдан чиқармаса, А.Турдиевга нисбатан навбатдаги интизомий жазо чораси қўлланилиши белгилаб қўйилсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 майдаги ПҚ-178-сонли қарори 2-иловасига мувофиқ, Хатирчи тумани “Фаровон” маҳалласида ёшларни рақамли технологиялар ва хорижий тилларга ўқитишга мўлжалланган “ИТ-шаҳарча”сини ташкил этиш топшириғини шахсан назоратга олиб, Энергия самарадорлиги миллий агентлиги раҳбарияти билан боғланган ҳолда топшириқ ижросини **йил якунига қадар тугатиш** бўйича барча зарурий чораларни кўрсин.

Хатирчи тумани ҳокими (**Адизов**), Рақамли технологиялар вазирлигининг вилоят шуъбаси (**Бўронов**) ушбу топшириқнинг ижросини самарали ташкил қилиб, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар ойда икки маротаба** вилоят ҳокимлигига ҳисобот бериб борсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари тегишли корхона (ташкilot) раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **июнь ойининг 25 санасига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларидаги июнь ойида бажарилиши белгиланган 145 та топшириқлар ижросини тўлиқ ва сифатли бажариш чораларини кўрсин.

Назорати – **Ш.Намозовга.**

5. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) вилоят ҳоими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари, тегишли вилоят ташкilotлари раҳбарлари иштирокида **ҳафтанинг чоршанба ва жума кунлари** “ijro.gov.uz” электрон тизимидаги Давлат Раҳбари ва Ҳукумат топшириқлари ижросини танкидий-таҳлилий муҳокама қилиб, топшириқларни барвақт ва сифатли тарзда бажарилиши бўйича зарурий чора-тадбирларни кўриб борсин.

6. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **уч кун муддатда** Навоий шаҳар ҳоими (Эргашев) ва тегишли масъуллар томонидан шаҳарда хорижий инвестицияларни жалб қилиш, фаолиятсиз кичик бизнес субъектларини тиклаш, кўчиб кетганларини қайтариш, ҳисоботларда 1 нафар ишчи кўрсатган субъектлар билан ишлаш, меҳнат миграциясидан қайтганлар бандлигини таъминлаш масалаларида олиб борилаётган ишлари юзасидан хизмат текшируви ўтказиб, натижаси бўйича камчиликларга йўл қўйганларга нисбатан чора кўриш бўйича таклиф киритсин.

7. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят прокуратураси (**Муллажонов**), вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**), туман (шаҳар) ҳокимликлари **бир ой муддатда** фаолият кўрсатмаётган, лекин 2025 йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида 1,9 млрд сўмлик электр энергиясидан фойдаланган **643 та** кичик бизнес субъектларининг фаолиятини тиклаш чорасини кўрсин.

Амалга оширилган ишлар бўйича **ҳар ҳафта жума кун**и вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб борсин.

8. Вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**) Мажбурий ижро бюросининг вилоят бошқармаси (**Тоштемиров**), Марказий банкнинг вилоят бошқармаси (**Пардаев**) билан биргаликда солиқдан қарздорлиги юқори ва кредитдан қарзи бўлган, ҳисоботларда 1 нафар ишчи кўрсатган, “ҳажмсиз” ҳисобот топширган корхоналарни соғломлаштириш, фаолиятини тиклаш ва тўғри йўлга қўйиш, камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳудудларга бориб, шаҳар, туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда амалий натижаси кўрсатсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида **бир ҳафта муддатда** вилоят ҳокимига ёзма ахборот киритсин.

9. Вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**) Тоғ-кон саноати ва геология бошқармаси (**Ҳайитов**) билан ҳамкорликда **бир ҳафта муддатда** карьерлардан самарали фойдаланиш, иш ўринларини легаллаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳисоботларда тўлиқ акс эттирилишини таъминлаш мақсадида ўрганиш ўтказиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритилиши таъминлансин.

10. Туман (шаҳар) ҳокимлари:

бир ҳафта муддатда аукцион савдоларига чиқарилган ер участкаларига салоҳиятли лойиҳаларни жойлаштириш, аукцион савдоларига чиқмаган ер майдонларини аукцион савдоларига жойлаштириш;

ҳар ой якуни билан саноат зоналарида лойиҳаларни батафсил таҳлилини ўтказиб бориш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми камайган, қурилиш ишлари сушт бораётган ва тўхтаб қолган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиш чораларини кўриб борсин.

11. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффоров**) “Кичик ва ёшлар саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси” (**Матлабов**) билан биргаликда кичик ва ёшлар саноат зоналаридаги савдога чиқарилган ва савдога чиқмаган бўш ер майдонлари бўйича ҳисобот жадвалларини (сводка) шакллантириб, мониторингини юритсин ҳамда **ҳар ҳафтада** маълумотларни вилоят ҳокимига киритиб борсин.

12. Вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари (**Сайфиддинов, Ҳасанов**) **беш кун муддатда** “Иссиқлик манбаи” ДУК томонидан Навоий шаҳридаги иссиқлик тармоқларининг эскирган трубаларини янгисига алмаштиришдан ҳосил бўлган эски трубаларни ишлатилиш ҳолатини ўрганиб, натижаси бўйича ахборот берсин.

13. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ғаффоров, Ҳикматов, Ходжаев, Мирзаев, Мамадиярова**) бириктирилган масъуллар, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда **ҳар ҳафтанинг чоршанба ва жума кунлари** камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, миграциядан қайтганлар билан ишлаш, ўқувчиларни касбга йўналтириш масалаларида ўзлари масъул бўлган ҳудудларда муҳокамалар ўтказиб, белгиланган топшириқлар ижросини самарали ташкил қилиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўриб борсин.

14. Зарафшон (**Раҳманов**), Ғозғон (**Жўраев**) шаҳарлари ва Томди (**Умаров**), Учқудуқ (**Елмуратов**) туманлари ҳокимларига камбағаллик реестрига киритилган оилаларни камбағалликдан чиқарилиши бўйича олиб бораётган ишлари қониқарсиз этилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси **(Хайруллаев)** бир ҳафтадан сўнг навбатдаги йиғилишга Зарафшон, Ғозғон шаҳарлари ва Томди, Учқудуқ туманларида камбағаллик реестрига киритилган оилаларни камбағалликдан чиқарилиши бўйича қилинган ўзгаришлар бўйича таҳлилий маълумот киритсин.

15. Вилоят прокуратураси **(Муллажонов)**дан туман (шаҳар) прокуратуралари билан биргаликда камбағалликдан чиқарилган оилаларга кўрсатилган ёрдамлар ҳаққонийлигини ўрганиб, белгиланган тартибда камбағалликдан чиқариш ишларини ўз назорати остида амалга ошириш сўралсин.

16. Камбағал оилаларга бириктирилган қуйидаги масъуллар томонидан бугунга қадар камбағаллик реестридан чиқариш бўйича амалий натижа қилинмаганлиги кўрсатиб ўтилиб, **жорий ҳафтанинг жума кунига қадар** бу борада фаолиятида кескин ўзгариш *(доимий ишга жолаштириш, хизматлар кўрсатиш ва ҳ.к.)* қилмаса, уларнинг вилоят раҳбарларига (айримларининг ўзига) нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда чоралар кўрилиши тўғрисида **огоҳлантирилсин:**

"Иссиқлик манбаи" ДУК Навоий шаҳар филиали бошлиғи И.Собиров,
ТИФ "Миллийбанк" Маликработ БХМ бошқарувчиси Х.Пардаев,
Конимех тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи М.Касимов,
"Уруғчиликни ривожлантириш маркази" ДК вилоят бошқармаси бошлиғи Ф.Фармонов,

вилоят Спорт бошқармаси бошлиғи Ж.Муртозоев,
Томди тумани ҳокими ўринбосари К.Қаржабов,
ТИФ "Миллий банк" Учқудуқ филиали бошқарувчи М.Эргашев,
вилоят "Агро суғурта" СК раҳбари Ш.Ражабов.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи **(Авезов)** жорий йилнинг **13 июнь (жума) кuni кечга қадар** юқорида топшириқ ижросини таъминламаганларга нисбатан чора кўриш бўйича таклифлар киритсин.

17. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси **(Хайруллаев)** бир ҳафта муддатда Навоий шаҳар фуқаролари томонидан вилоят ҳокимлигига иш сўраб мурожаат қилган фуқаролар бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин ҳамда натижаси бўйича ахборот киритсин.

18. Зарафшон **(Раҳманов)**, Ғозғон **(Жўраев)** шаҳарлари, Нурота **(Файзиев)**, Конимех **(Рўзиев)**, Кармана **(Адизов)** ва Навбаҳор **(Ўроқов)** туманлари ҳокимлари оғир ва ишсизлик юқори бўлган маҳаллаларни "ишсизликдан ҳоли маҳалла"га айлантириш бўйича берилган топшириқлар ижросини таъминланмаганлиги учун **шахсан огоҳлантирилсин.**

Улар ҳоким ўринбосарлари, иқтисодий комплекс ва бириктирилган мутасаддилар билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** ўз ҳудудларидаги танлаб олинган оғир ва ишсизлик юқори бўлган маҳаллаларни “ишсизликдан ҳоли маҳалла”га айлантириш бўйича ишларни охирига етказмаса, мазкур ҳудудлар раҳбарларига нисбатан чоралар кўрилиши белгилаб қўйилсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

19. Вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи **А.Ҳалимов**нинг бошқарманинг Хатирчи туман бўлими бошлиғи **М.Фозилов** билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** ўзига ҳамда тизим ташкилотларига бириктирилган оилалардаги барқарор бандлик ва даромадини ошириш бўйича аниқланган муаммоларда кескин ўзгариш қилиши бўйича берган ҳисоботи қабул қилинсин.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) навбатдаги йиғилишга ушбу масъуллар томонидан кўрилган чоралар натижадорлиги бўйича таҳлилий маълумот киритсин.

20. Камбағал оилаларда аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича берилган ҳисоботларнинг ҳаққоний аҳволи ўрганилганида, қуйидаги масъуллар томонидан муаммоларни бартараф этилганлиги тўғрисидаги ҳисоботлар ўз исботини топганлиги учун қатъий огоҳлантирилсин:

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Навоий шаҳар бўлими масъул ходими **И.Адизов**;

АТ “Халқ банки”нинг Кармана тумани бўлими бошқарувчиси **Р.Эргашев**;

“Агроинспекция”нинг Кармана тумани бўлими бошлиғи **Л.Халилов**;

Кармана-Конимех ирригация бошқармаси бошлиғи **А.Азамов**;

Навбаҳор тумани “Мустақиллик деҳқон бозори” МЧЖ раҳбари **Л.Жўрақулов**;

Маҳаллалар уюшмасининг Хатирчи тумани бўлими бошлиғи **В.Авлонов**.

Юқорида номлари келтирилган масъуллар томонидан **жорий ҳафтанинг жума кунига қадар** камбағал оилаларнинг муаммоларни ҳал қилиш бўйича аниқланган камчиликларни бартараф қилмаса, уларга нисбатан тегишли чора кўрилиши белгилаб қўйилсин.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) ушбу топшириқ ижросини назоратга олиб, **жума кунига қадар** камчиликларни бартараф қилмаган мутасаддиларга нисбатан чоралар кўриш бўйича таклиф киритсин.

21. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Мамадиярова**) икки кун муддатда Навоий шаҳар “Дўстлик” маҳалласида яшовчи **Д.Мамадамин**нинг оилавий аҳволини ўрганиб, натижаси бўйича ахборот киритсин.

22. Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Алиев**), Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (**Баҳромов**)лар **беш кун муддатда** қуйида номлари келтирилган ўз тизимидаги камбағал оилаларга бириктирилган масъуллар томонидан камбағал оилаларда аниқланган муаммоларни бартараф этиб, асословчи ҳужжатларни вилоят Штабига тақдим этилишини ташкил қилсин:

Маҳаллалар уюшмасининг Навбаҳор тумани бўлими бошлиғи **С.Неъматов**,

Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари **А.Ахмедов**,

Ёшлар ишлари агентлигининг Навоий шаҳар бўлими бошлиғи **Х.Ҳакимов**,

Ёшлар ишлари агентлигининг Нурота тумани бўлими бошлиғи **У.Усмонов**.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) юқорида номлари келтирилган масъуллар томонидан олиб борилган ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилиши муҳокамасига киритсин.

23. Қуйидаги камбағал оилаларга бириктирилган масъуллар **икки кун муддатда** ўзи масъул бўлган хонадонларга бориб, маҳалладаги “ҳоким ёрдамчиси”нинг планшети орқали ID карта ёки бармоқ изи орқали идентификациядан ўтилиши ҳамда камбағал оилалар муаммолари билан шуғулланиб, амалга оширилаётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини вилоят Штабига тақдим этиб бормаса, уларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилиши белгилаб қўйилсин:

Навоий шаҳар газ таъминоти корхона бошлиғи **Э.Ахмедов**,

Ғозғон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи **М.Аслонова**,

Ғозғон шаҳар Фавқулотда вазиятлар бўлими бошлиғи **М.Баҳранов**,

Зарафшон шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик бўлими бошлиғи **А.Ярашев**,

АТ "Микрокредитбанк" Кармана БХМ бошқарувчи ўринбосари **А.Тангиров**,

АТ “Халк банки” бошқарувчи ўринбосари **Ш.Шакаров**,

“Ўздаверлойиҳа” институти Навоий бўлинмаси бошлиғи **А.Шовқиев**,

Нурота тумани ҳокимининг ўринбосарлари **О.Охунжонов** ва **А.Саидов**,

Томди тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази раҳбари
Ш.Бобомуродов,

Учқудуқ тумани ҳокимининг ўринбосари Э.Расулов,

Хатирчи туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Ж.Отақулов,

Навоий Давлат кончилик ва технологиялар университети ректори
Б.Мардонов,

Хатирчи тумани Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлими бошлиғи
Х.Ялғашев.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси
(**Хайруллаев**) юқорида номлари келтирилган масъуллар томонидан олиб
борилган ишларнинг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси бўйича вилоят
ҳокимлигининг кейинги аппарат йиғилиши муҳокамасига киритсин.

24. Жорий йилнинг январь-май ойларида Кармана (63 фоиз), Хатирчи
(66 фоиз) туманлари, Ғозғон (68 фоиз), Зарафшон (87 фоиз) ва Навоий
(86 фоиз) шаҳарларида инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш орқали
аҳоли бандлигини таъминлаш дастуридаги режа-топшириқ
бажарилмаганлиги **кўрсатиб ўтилсин.**

Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ғаффоров**) юқорида номлари келтирилган
ҳудудлар ҳокимлари ва ўринбосарлари билан биргаликда **жорий йилнинг 1-
ярим йиллик якунида** Бандлик дастурида инвестиция лойиҳаларини амалга
ошириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш режасини бажариш бўйича
барча зарурий чора-тадбирларни кўрсин.

25. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси
(**Хайруллаев**) **уч кун муддатда** вилоятдаги камбағал оилаларга ғалладан
бўшаган майдонларни такрорий экинлар экиш учун талаб этиладиган ер
майдонлари тўғрисидаги таклифларни киритсин.

Назорати **Р.Сулаймоновга.**

26. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**), вилоят Соғлиқни
сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), вилоят Мактабгача ва мактаб таълими
бошқармаси (**Ҳайитова**), туман (шаҳар) ҳокимлари **уч кун муддатда**
тиббиёт ва таълим соҳасида **“долзарб 90 кунлик”** тадбирлар доирасида
амалга оширилиши белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир
ҳудуд бўйича тақдимот материалларини тайёрласин ҳамда вилоят ҳокими
ҳузурида туман (шаҳар) ҳокимларининг шахсан ҳисоботлари (тақдимотлари)
қабул қилинишини ташкил қилсин.

27. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (**Раубаева**) вилоят
Телерадиокомпанияси (**Муқимов**) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда**
“Тиббиёт ва таълимда 90 кунлик ўзгаришлар вақти” бўйича ҳар бир
туман (шаҳар)да амалга оширилган ишлар юзасидан танқидий ўрганиш
ўтказиб, тайёрланган видеолавҳаларни вилоят ҳокимига киритсин.

28. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши (**Алиев**)га тиббиётда ва таълимда **“долзарб 90 кунлик”** тадбирлар доирасида вилоят ҳамда туман (шаҳар) депутатларининг фаол иштирокини таъминлаши, ўз ҳудудидаги тиббиёт ва таълим муассасаларидаги муаммоларини ўрганиб, Кенгаш йиғилишларида муҳокамалар қилинишини ташкиллаштириши тавсия этилсин.

29. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**) Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази Навоий филиали (**Тўрақулов**) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** тиббиёт ходимларини жойига чиққан ҳолда янгича ёндашувлар бўйича қайта ўқитишни ташкиллаштирасин.

30. Нурота (**Файзиев**), Томди (**Умаров**) ва Конимех (**Рўзиев**) туманлари ҳокимлари **бир кун муддатда** таълимда “Фавқулудда 90 кун” тадбирларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқласин ҳамда вилоят ҳокимлиги (**Ходжаев**)га киритсин.

31. Вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**):

уч кун муддатда Навоий давлат университети (**Калонов**), Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети (**Мардонов**) билан ҳамкорликда вилоятдаги кўрсаткичлари қониқарсиз “қизил” тоифадаги таълим муассасаларини “сарик” ва “яшил” тоифага ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, вилоят ҳокимига тасдиқлатилишини ҳамда ушбу таълим муассасаларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

туман (шаҳар) ҳокимлари билан ҳамкорликда 2025/2026 ўқув йили бошлангунга қадар ҳар бир ҳудудда 1 тадан **жами 11 та** (Навоий шаҳридаги 1-сонли, Зарафшон шаҳридаги 1-сонли, Ғозгон шаҳридаги 1-сонли, Кармана туманидаги 10-сонли, Навбаҳор туманидаги 34-сонли, Қизилтепа туманидаги 41-сонли, Конимех туманидаги 7-сонли, Нурота туманидаги 2-сонли, Хатирчи туманидаги 65-сонли, Учқудуқ туманидаги 5-сонли, Томди туманидаги 1-сонли) мактабларда **“Жасорат мактаблари”**ни ҳамда **45 та** (Навоий шаҳридаги 6,7,12,13,18,19-сонли, Зарафшон шаҳридаги 4,11,12,13-сонли, Ғозгон шаҳридаги 1,3-сонли, Кармана туманидаги 7,10,14,15,22-сонли, Навбаҳор туманидаги 1,5,8,9,27-сонли, Қизилтепа туманидаги 2,5,26,37-сонли, Конимех туманидаги 2,16,26-сонли, Нурота туманидаги 4,9,34,27-сонли, Хатирчи туманидаги 6,7,9,10,54,65-сонли, Учқудуқ туманидаги 18,20-сонли, Томди туманидаги 14-,15-сонли) мактабларда инклюзив синфлар очилишини ташкиллаштирасин.

Амалга оширилган ишлар натижадорлиги бўйича **ҳар ўн беш кун муддатда** вилоят ҳокимига ахборот бериб борсин.

32. Туман (шаҳар) ҳокимлари **бир ҳафта муддатда** мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда тиббиёт муассасаларига шахсан ўзлари бориб мавжуд муаммоларини ўрганиб чиқиб, ҳал этиш чораларини кўрсин.

33. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**):

бир кун муддатда ишлаш истаги бор бўлган ўқувчи ёшларни маҳаллаларга бириктирилган масъулларга бириктириш ҳамда бўш иш ўринлари мавжуд тадбиркорлик субъектларининг рўйхатларини маҳаллаларга бириктирилган масъулларга етказиш чораларини кўрсин;

вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) ҳамда бириктирилган масъуллар билан биргаликда ишлаш истаги бор бўлган ўқувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин ҳамда кунлик мониторингини юритиб, кўрилган чоралар натижадорлиги бўйича **жорий йилнинг 14 июнь куни** вилоят ҳокими ҳузурида ҳисоботи эшитилишини ташкил қилсин.

34. Туман (шаҳар) ҳокимлари бириктирилган масъул раҳбарлар ва “маҳалла еттилиги” вакиллари билан биргаликда сўровнома асосида аниқланган ўқувчиларнинг қизиқишлари асосида бўш вақтларни мазмунли ташкил этиш мақсадида тўғараклар ва маънавий-маърифий тадбирларга жалб қилиш чораларини кўрсин.

35. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ҳикматов**), Вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (**Низамов**):

Томди (**Умаров**), Учқудуқ (**Елмуратов**), Конимех (**Рўзиев**), Нурота (**Файзиев**) туманлари ҳокимликлари билан биргаликда **уч кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарорининг 17-илоvasи 18.4-бандига кўра халқаро молия институтларидан жалб қилинган 30 млн доллар миқдоридаги имтиёзли маблағларни йўналтирган ҳолда қўйчилик, эчкичилик ва бошқа йўналишларда чорвачиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар манзилли рўйхатини шакллантириш;

АТ “Халқ банки” вилоят филиали ва Кармана (**Адизов**) ва Навбаҳор (**Ўроқов**) туманлари ҳокимлари билан биргаликда Давлат Раҳбарининг 2024 йил Навоий вилоятига ташрифи бўйича имзоланган 47-сонли йиғилиш баённомасининг 50.2-бандига кўра 2025 йилда Туркия давлатидан технология ва мутахассисларни жалб этиб, Кармана, Навбаҳор ва Хатирчи туманларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 100 млрд сўм қўшилган қиймат яратиш чораларини кўрсин.

36. Вилоят ҳокимлиги котибияти (**Ҳамидов**):

вилоят Абтомобил йўллари бошқармаси (**Ҳалимов**) билан биргаликда **уч кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сонли қарорининг 17-илоvasи 42-бандига ижросини таъминлаш мақсадида, Навбаҳор тумани Келачи маҳалласида туризм кўчасини барпо этиш учун 1,2 км масофага Хон Хўжа Эшон жоме масжидига олиб борувчи янги йўл қуриш ва 5,0 км масофадаги йўлни таъмирлаш бўйича зарур маблағларни ажратишда амалий ёрдам сўраб Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ва Автомобиль йўллари қўмитасига мурожаат хатларини киритиш;

Нурота тумани ҳокими (**Файзиев**) билан биргаликда Давлат Раҳбарининг 2024 йил Навоий вилоятига ташрифи бўйича имзоланган 47-сонли йиғилиш баённомасининг 55-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Нурота тумани “Сувлиқ” маҳалласига 30 км 35/10 кВт ҳаво узатиш тармоғи ва қуввати 4 МВт бўлган подстанция ўрнатиш бўйича объект учун танланган ер майдони тоифаси ўзгартириш ҳамда ер майдони ажратиш ишларини жадаллаштирсин.

37. Ўзбекистон Республикаси Преидентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-430-сон қарори ҳамда Давлат Раҳбарининг 2024 йил 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари Навоий вилоятига ташрифи якунлари бўйича тасдиқланган 47-сонли йиғилиш баённомасидаги топшириқлар ижроси бўйича **жорий йилнинг 14 июн куни** вилоят ҳокими ҳузурида вилоят ҳокими ўринбосарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда масъул бошқарма ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиши белгилаб қўйилсин.

38. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, тегишли корхона (ташкилот) раҳбарлари ва туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Преидентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-430-сон қарори ҳамда Давлат Раҳбарининг 2024 йил 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари Навоий вилоятига ташрифи якунлари бўйича тасдиқланган 47-сонли йиғилиш баённомасида вилоят асосий ижрочилигидаги топшириқлар ижросини тўлиқ таъминлаб, назоратдан чиқариш;

йил якунига қадар бажарилиши белгиланган топшириқлар бўйича ҳозирдан ҳаракатни бошлаш чораларини кўрсин.

Республика ташкилотлари ижрочилигидаги (барча) **муаммоли топшириқлар** бўйича **уч кун муддатда** алоқа хатларини чиқариб, ижро ҳолатини мониторинг қилиб бориш ҳамда амалга оширилган ишлар натижадорлиги бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

39. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**) Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (**Бахромов**) тегишли корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда “Ёшлар ойлиги” дастури доирасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш чоралари кўрилсин:

а) вилоят Спорт бошқармаси (**Муртозаев**), Маданият бошқармаси (**Ниёзов**), Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**), туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда ташкил этиладиган фестивал ва форумларда Республика даражасида ғолибликни қўлга киритган ёшларни рағбатлантириш;

б) вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Мирзаев**), Спорт бошқармаси (**Муртозаев**), Маданият бошқармаси (**Ниёзов**), Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (**Хасанова**), Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (**Садриддинов**), вилоят Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**), олий таълим муассасалари, туман (шаҳар) ҳокимлари **“Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!”** шиори остида ёшлар сайллари ва маънавий-маърифий тадбирларни “маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят” даражасида юқори савияда ташкил этиш;

в) Навбаҳор тумани ҳокими (**Ўроқов**) билан биргаликда 30 июнь – “Ёшлар куни” муносабати билан Давлат Раҳбарининг ёшлар билан учрашувини Навбаҳор туманидаги янги ташкил этилаётган **“Ёшлар маркази”** биносида ташкил этсин.

Бунда, “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК (**Турдиев**), Навбаҳор тумани ҳокими (**Ўроқов**) янги ташкил этилаётган “Ёшлар маркази” биносини қурилиш, безатиш ва ташвиқот воситалари билан таъминлаш ҳамда бино атрофида тозалаш, ободонлаштириш ишларини жорий йилнинг **20 июнь** кунига қадар якунласин ва очилиш маросимига тайёрласин.

г) вилоят Спорт бошқармаси (**Муртозаев**), Маданият бошқармаси (**Ниёзов**) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда 30 июнь – “Ёшлар куни” муносабати билан:

Кармана тумани Жалойир МФЙда “Жалойир” ўйингоҳи, “Арғун” МФЙда “Инновация” ўқув маркази;

Хатирчи тумани 27 ва 35 мактаблар ҳамда Тиббиёт техникумининг сунъий қопламали ўйингоҳлари;

Қизилтепа тумани Сўфиён МФЙда “Парвоз” хусусий мактабини фойдаланишга топширишга тайёрлаш ҳамда байрам арафасида очилиш маросимларини ўтказиш;

д) вилоят Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**), Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), Спорт бошқармаси (**Муртозаев**) олий таълим муассасалари ва спорт федерациялари билан биргаликда ёш илм-фан намоёндалари, иқтидорли ўқувчи ва талаба ёшлар, битирувчилар, уюшмаган ёшлар ҳамда спортчиларни тадбирларга жалб қилиш;

е) вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Мамадиярова**), Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Алиев**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**) билан ҳамкорликда тадбирларга чекка қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшларни, биринчи навбатда “Ёшлар ва аёллар дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож, камбағал оила фарзандларини жалб этиш;

ф) вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (**Раупбоева**) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси (**Мамаражабов**), вилоят Телерадиокомпанияси (**Муқимов**), “Тасвирий ойина” ИУ (**Махмудов**), туман (шаҳар) ҳокимлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтадиган жойларда сўнгги йилларда эришилган ютуқларни акс эттирувчи, кўргазмали панно ва баннерлар, ташқи тарғибот воситалари билан безаш ҳамда ўтказилаётган тадбир ва лойиҳаларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

и) вилоят Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), Миллий гвардия вилоят бошқармаси (**Тоиров**), Мудофаа ишлари бошқармаси (**Муйдинов**), Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (**Режепов**), туман (шаҳар) ҳокимлари тадбирлар бўлиб ўтадиган жойларда аҳоли ва ёшларнинг хавфсиз келиб кетишини таъминлаш, кўчаларда транспорт ҳаракати хавфсизлигини ҳамда тадбирларда жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

ж) вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), Санитария-эпидемиологик осойишталик жамоат хизмати вилоят бошқармаси (**Азимов**) “Ёшлар ойлиги” доирасида тадбирлар ўтадиган жойларда тиббий хизмат навбатчилигини ташкил этиш ҳамда тадбирлар давомида жойларда тайёрланган озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотлар сифатини ва санитария-гигиена талабларига риоя этиш чораларини кўрсин.

40. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**), Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (**Бахромов**), вилоят Маданият бошқармаси (**Ниёзов**), Навоий шаҳар ҳокими (**Эргашев**) билан биргаликда **уч кун муддатда** жорий йилнинг 30 июнь – “Ёшлар куни” байрам тадбирларини ўтказиш жойи ва сценарийси юзасидан таклифлар киритсин.

41. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**) вилоятдаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари (“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоийуран” ДК, “Навоийазот” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ, “Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖ) билан ҳамкорликда график асосида “Ёшлар ойлиги” доирасида тадбирларни юқори савияда ташкил этиш, “Ёшлар куни” байрамини кенг нишонлаш, биринчи навбатда ўзларининг тизимидаги ҳамда соҳасига алоқадор ёшлар билан учрашувлар ўтказиш ва ёшлар форумларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

42. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Пардаев**), тижорат банклари, иқтисодий комплекс ва туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари билан муаммоли кредитларни ундириш бўйича **кунлик сўров ва ҳар уч кунда** муҳокама қилиб, қарздорликларни камайтириш бўйича зарурий чоратадбирларни кўриб борсин.

Амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан вилоят ҳокимига ҳисобот бериб борсин.

43. Вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган имтиёзли кредитларни сўндириш бўйича ишларини кунлик таҳлил қилиб, 1-ярим йиллик билан қарздорликни камайтириш чораларини кўрсин.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури асосида берилган имтиёзли кредитларнинг сўндирилишига туман ҳокимининг биринчи ўринбосарлари ва туманларга бириктирилган тижорат банклари шахсан жавоб бериши белгилаб қўйилсин.

44. Хатирчи (**Адизов**), Кармана (**Адизов**), Навбаҳор (**Ўроқов**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Конимех (**Рўзиев**) туманлари ҳокимлари:

масъуллар билан ҳар бир туманда мавжуд комбайнлар ўриш имкониятидан келиб чиқиб, кунлик белгиланган режани бажарилишини назоратга олсин;

ғаллачилик кластерлари билан биргаликда **бир кун муддатда** ғалла тақсимотларини қилган ҳолда махсус платформага киритиш ишларини якунига етказиб, вилоят ҳокимлигига маълумот тақдим этсин.

45. Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (**Худайназаров**) ғалла ўрим мавсумида комбайнларнинг бетўхтов ишлашини назорат қилиб вилоят ҳокимлигига **кунлик** маълумот киритиб борсин.

46. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), Транспорт бошқармаси (**Рахимов**) туман ҳокимлари билан биргаликда ғалла ўрим мавсумида, ғалла ўрим комбайнларини бетўхтов ишлашини таъминлаш, дон ташишда тўхталишлар бўлишини олдини олиш мақсадида юк ташиш автомобиллари билан доимий таъминлаш чораларини кўрсин ҳамда ҳар бир тумандаги ҳудудларга масъул ходимларни бириктирсин.

47. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Рашидов**) ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинларни экилишини мониторинг қилиб, **кунлик маълумотларни** вилоят ҳокимлигига тақдим этиб борсин.

48. Кармана тумани (**Адизов**), Конимех тумани (**Рўзиев**), Навбаҳор тумани (**Ўроқов**), Қизилтепа тумани (**Бобомуродов**), Хатирчи тумани (**Адизов**) ҳокимларининг фермер хўжаликлари ички суғориш тармоқларни бетонлаштириш ишлари қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (**Садинов**), Кармана, Конимех, Навбаҳор, Қизилтепа, Хатирчи туманлари ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** режалаштирилган ички суғориш тармоқларни бетонлаштириш ишларини якунлаш чораларини кўрсин.

Амалга оширилган ишлар бўйича вилоят ҳокимлигига **кунлик** ахборот киритиб борсин.

Назорати **С.Ҳикматовга**.

49. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), Қуйи Зарафшон ирригация тизимлар ҳавза бошқармаси (**Садинов**) туман ҳокимлари билан биргаликда туманларда азотли минерал ўғитлар билан озиқлантирилган ғўза майдонларини пешма-пеш шарбат усулида суғориш ишларини, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиб тунги суғоришни, фермер хўжаликларига сувни бетўхтов боришини таъминлаш чораларини кўрсин.

50. Вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (**Низамов**) туман ҳокимликлари ва фермер хўжаликлари билан биргаликда ҳар ой чигит экилган майдонларнинг сув кириш қулоқларига гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш ишларини бориши бўйича вилоят ҳокимлигига **кунлик маълумот** тақдим этиб борсин ҳамда вилоятда мавжуд маҳаллий ўғит захирасини аниқласин.

51. Вилоят ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси (**Турсунов**) туман ҳокимлари билан биргаликда 2025 йил ҳосили учун парвариш қилинаётган ғўза майдонларида тарқалиши башорат қилинган касаллик ва зараркунандалар бўйича мониторинг ва профилактика ишларини олиб бориб вилоят ҳокимлигига **кунлик** маълумот тақдим этиб борсин.

52. Кармана тумани (**Адизов**), Конимех тумани (**Рўзиев**), Қизилтепа тумани (**Бобомуродов**), Навбаҳор тумани (**Ўроқов**), Хатирчи тумани (**Адизов**) ҳокимликлари:

коллекторларда **25 минг бошдан кам бўлмаган** ўрдакчилик лойиҳаларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

ташкил этилаётган ўрдакчилик лойиҳаларига ем таъминоти, ветеринария хизмати, маҳсулотларининг сотилиши ва бошқалар бўйича доимий равишда амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

53. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов) ва Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



Ф.Эшбоев